Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 13 (21. 132) 1992 йил 17 январь, жума

Баҳоси 35 тийин.

Биз билган ва билмаган соҳалар

У МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКА КЎЗИГА НУР, БИЛАГИГА КУЧ, БЕЛИГА ҚУВВАТ, ЮРАГИГА МАДОР БЎЛАДИ, ЖАҲОН ДАРВОЗАСИНИ ОЧАДИ



СУРАТДА: Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин. Унинг қўлида софлиги энг юқори даражали олтин қўймаси.

ЖАВОҲИРЛАР ЖАВОҲИРИ

Инсоният олтинни қадим замонлардан билган. Олтин ҳамиша одамларни қизиқтириб келган. Қизғиш товланадиган бу қиммат-баҳо металл безакларнинг безаги бўлиб хизмат қилган. Кейин барча безаклар сингари у ҳам пул хизматини ўтайдиган товарга айланган.

Олтин — асл металл. Чунки у табиатда соф ҳолда химиявий аралашмаларсиз бўлади. Унга нам ва кислоталар таъсир қилмайди. Осонгина кесилади, эрийди, жуда яхши товланади, қанча вақт турса ҳам ўз жилвасини йўқотмайди.

Олтинни излаб топиш, уни бошқа жинслардан ажратиб олишга жуда кўп меҳнат сарф қилинади. Шунинг учун олтиннинг зиғирдаги ҳам жуда қиммат баҳоланади.

Бундай сифатлари туфайли олтин бошқа ҳамма маъданларни, шу жумладан баъзи мамлакатларда бир вақтлар тилладан юқори баҳоланган кумушни ҳам ортда қолдириб кетди. «Олтин» асосий пул маъдани бўлиб қолди ва бутун жаҳонда ғалаба қилди. «Олтин» сўзи одамларнинг тушунчасига «пул» сўзи билан сингиб кетди.

Аммо қоғоз пул ва тангалар чиқаришни изга солишнинг ўзигина кифоя эмасди. Бу пулнинг кучлилигига, харид таъсирини оширишга эришмоқ керак эди. Бунинг учун қоғоз пуллар давлат банки хазинасидаги олтин ва қимматбаҳо пуллар билан тўла таъминланиши лозим. Шунингдек, олтин чет эллардан мол сотиб олишга ҳам керак бўлиб қолди. У ягона жаҳон пулига айланди.

Олтин ҳақида кўплаб адабий асарлар яратилган, сон-саноқсиз ривоятлар, мақоллар битилган. Қадим замонда ота-боболаримиз қум аралаш олтин зарраларини қўй терисига солиб ювишган. Тиллонинг оғир зарралари жунга илашиб қолиб, бошқа нарсалар сувда ювилиб кетган. Шундай қилиб қўй териси — «Олтин барра» бўлиб қолган.

Ривоятларга қараганда, Колумб ўз кемалари елканларини кўтаришдан олдин тангрига ёлвориб илтижо қилган: «Эй, барча нарсаларни яратган қудратли парвардигор, олтин конини топишда мададкор бўл, менга назар ташла, мени ўша керакли нарсага етказ...». Шу тариқа жаҳонда кўп одамлар олтин конларини излаб кетдилар...

«Фауст» операсидаги Мефистофель қўшиғи ҳам бежиз шундай бошланмайди:

Дунёдаги бор инсон зотин,
Тобе айлаб тақдир, ҳаётин,
Ер, самода доврўг сололган,
Қудратдир бу — афсунгар олтин!

Қиссадан ҳисса шуки, олтини бор мамлакатнинг халқи бой-бадавлат яшайди, куч-қудратли бўлади, сўзи, эли дадил бўлади... Қадим-қадимдан ҳар бир давлатнинг олтин заҳирасига қараб унинг нақадар кучли ёки кучсиз эканлигини, аҳолисининг тўқ ва фаровон ёки оч ва юпун яшашини баҳолаганлар.

Собиқ Иттифоқнинг бир пайтлар олтин заҳираси ниҳоятда кўп эди. Рўзномаларда босилган энг сўнгги маълумотларга қараганда, 1953 йил 1 январида мамлакатнинг 2049,8 тонна олтини бўлган. Кейин гарчи ҳар йили олтин қазиб олиш салмоғи кўпайиб борган бўлсада, тилло заҳираси озайиб кетган. У 1989 йилда 850,4 тонна, 1991 йилда 484,6 тоннага тушиб қолган. Айтишларича, 1991 йил 1 октябрида хазинада бор-йўғи 240 тонна олтин қолган эмиш. Собиқ Иттифоқнинг бундан уч ой олдинги раҳбарлари айтган гапга қараганда, кейинги пайтларда четга тилла чиқариш ҳаддан зиёд кўпайгани, халқ хўжалиги учун олтин ажратиш миқдори ошиб кетгани натижаси эмиш бу.

Ўзбекистон ҳам азалдан ер усти ва ер ости бойликлари ниҳоятда кўп мамлакат ҳисобланади. Мурунтов, Маржонбулоқ, Қалмоққир олтин конлари бор. Республика тупроғида Менделеев жадвалига нимаики маъданлар киритилган бўлса, уларнинг ҳаммасидан бор. У азалдан дунёдаги олтин ва бошқа жавоҳирлар қазиб олинадиган давлатлар қаторидан ўрин олиб келган эди. Собиқ Иттифоқда ер қаъридан олинадиган жами олтин миқдорининг 25,2 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди. Агар марказ хазинасига ўтган йили мамлакатнинг ҳар томонидан 230 тонна тилла оқиб борган бўлса, демак Ўзбекистоннинг салкам 58 тонна олтини шу йили Иттифоқ хазинасини тўлдирган. Ҳар йили ана шундай бўлган. Аммо бундан на республика ва на унинг халқи манфаат кўрган.

Ўзбекистон олтин конларидан қазиб олинган маъдан қўймалари ҳеч кимдан сўралмай ва маълум қилинмай ўтган йилнинг сентябрь ойигача пешма-пеш марказга жўнатилаверган. Бундай аҳвол 1991 йилнинг 31 августигача, Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингунга қадар давом этди. Аммо республика марказнинг чангалидан қутилиб чиқишга чиқди-ю, бироқ олтин бойлигини ўзи тасарруф этишига эришиши жуда ҳам қийин кечди. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу ҳақда ғоят фахрланиб ва тўлқинланиб гапиргани бежиз эмас.

— Мустақиллик дегани биз учун, энг аввало, она заминга эгалик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз, авваламбор республикамизда яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз керак, деганидир, — деб айтган эди Президент Ўзбекистон фуқароларига сайловолди Мурожаатида. — Ўзбекистон ери, бойликлари нафақат ўзимизни, замондошларни балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналмилал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиш ва уларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлаш учун бемалол етади...

Муҳтарам Президент Ўзбекистон ер ости бойликлари деганда, албатта Ўзбекистоннинг олтинини ҳам назарда тутяпти. Унинг ўзи Олмалиқ шаҳрида сайловчилар билан бўлган учрашувда Олмалиқ олтини ҳақида ғоят тўлқинланиб, завқ билан гапирган эди. Ҳар бир донаси 13 килограмм келадиган Олмалиқ олтин қўймасини қўлига ушлаб, энди бу олтинлар марказники эмас, Ўзбекистонники, шу ерда, республикамизда қолади, деб қувониб таъкидлаган эди.

Ана шу олтинни деб бошида не-не маломат тошлари синган Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори Виталий Николаевич Сигединнинг қувончини айтмайсизми.

— Президент ўз халқи ва ўз республикаси учун нақадар шод эканлигини кўриш биз учун ниҳоятда мароқли бўлди. У Ўзбекистон байроғи остида икки бўлак олтинни кўтариб завқ-шавқ билан одамларга кўрсатганида комбинатимиз меҳнаткашларида ўз ишидан қониқиш ҳис-туйғуси жунбушга келди. Жамики яхши нарсаларни, республиканинг истиқболини Президент номи билан боғлаётганимиз тўғри десам, ҳамманинг фикрини ифодалаган бўламан, деб ўйлайман.

Виталий Николаевич ҳақ. Унинг асли касби кон инженери. 32 йилдирки, унинг умри маъдан қазиб олиш ва эритиш билан ўтяпди. Асли Томск шаҳридан. Шу ерда политехника олий билимгоҳини тугаллаб, Ўзбекистонга йўлланма олди. Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Навоий кон-металлургия комбинатида бошлади. Шу ҳудуддаги конда уста, лахмчи, кон устаси ўриндоши, кон бошлиғи, шахта бошлиғи бўлиб ишлади. 1963 йилда Бухоро вилояти Учқудуқ майдончаси партия комитети котиби этиб сайланди, сўнгра корхона директори бўлди. 1966 йилдан Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитетининг биринчи котиби бўлиб, 1971—1973 йилларда Навоий кон-металлургия комбинати корхоналарида ишлади. Кейинроқ Зарафшон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлган.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Мирсафоев Сирожиддин Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари этиб тайинлансин, Донцов Владимир Васильевич республика ҳудудидан чиқиб кетиши муносабати билан мазкур вазифадан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 январь.

●

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Казаков Николай Иванович ўз ҳоҳишига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

2. Ўртоқ Шумарин Николай Иванович Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 14 январь.

●

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасини Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат компаниясига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Ш. Н. Маҳмудовани Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ У. А. Абдураззоқовни Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 7 январда чиқарган Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 январь.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси бюджетининг 1992 йил учун белгиланган Асосий кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори рўзноманинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

Мустақил Ўзбекистоннинг хориж билан муносабатлари кун сайин кенгайиб бормоқда. Тошкент шаҳридаги «Интурист» маданий-ахборот марказида АҚШнинг Бостон шаҳри ҳокимияти вакиллари иштирокида ўтган «Маҳаллий ҳокимият бозор иқтисодиёти шароитларида» мавзусига бағишланган уч кунлик семинар-кенгаш ҳам бунга бир мисолдир.

Семинарни Тошкент шаҳридаги Куйбишев райони Кенгаши уюштирди. Семинар кенгаш ишида республика вилоятлари, Тошкент шаҳри, қўшни Тожикистон, Қозоғистон республикаларидан вакиллар ҳамда хорижий давлатлар — Аргентина ва Ҳиндистондан келган меҳмонлар ҳам қатнашдилар.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад ва унинг жумҳуриятимиз учун нечоғлик аҳамиятга эгалиги тўғрисида фикр сўраб ҳар иккала томон ташкилотчи гуруҳлар вакилларига мурожаат қилдик.

Илҳом РАСУЛОВ, Куйбишев район ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари: — Бу масала район кенгашининг ўтган йилги сессиясида кенгаш раиси Шуҳрат Нусратов томонидан илгари сурилганди. Ҳали бирорта район мустақил равишда хориж билан бундай учрашувни ташкил қилганича йўқ. Шу боис бу маросимнинг ўтиши районимиз билан хориж ўртасидаги алоқаларда илк мустақил қадам бўлди.

Асосий мақсад бозор иқтосодиётига ўтилаётган бугунги кунда хусусий мулкчилик ва шахсий ҳуқуқлар устунлигини, бозор иқтисодиёти тизимига хос чекланган давлат аралашуви ва тартибга солишни ўрганиш масаласида чет эл тажрибасига мурожаат этишдир. Дарвоқе семинар мавзусига «Бозор иқтисодиёти шароитларида уй-жойлар қуришни тартибга солиш ва рағбатлантириш», «Бозор иқтисодиёти шароитларида шаҳар ҳокимияти томонидан тижорат тараққиётини тартибга солиш ва унга ёрдам беришдаги фаолияти» каби муҳим масалалар ҳам киритилдики, булар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, Тўғриси, бу масалаларда хорижлик дўстлар тажрибасидан воқиф бўлсак нимаси ёмон? Қолаверса уй-жой қурилиши ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш бугунги кунда энг катта муаммоларимиздан бири саналади. Семинар кенгаш ишида эса бу масалага ҳам бирмунча кенг ўрин берилди.

Семинар кенгашнинг биз учун аҳамияти беқиёс. Буни семинарнинг ўтиш жараёни яққол кўрсатди.

Томас О МЕЙЛИ, Режалаштириш, қурилиш ва уй-жой масалаларини ривожлантириш бўйича Бостон кенгаши раисининг ўринбосари, делегация раҳбари: — Мақсадимиз асосан иккиуч йўналишдан иборат.

Биринчидан, Ўзбекистонга ҳозирги қийин вазиятда унга амалий ёрдам берсак, деган ниятимиз бор. Яъни сизлар танлаган йўл — бозор иқтисодиёти шароитига ўтишда чет эл иқтисодчиларқ ва бошқа мутахассисларнинг иш юритиш усулини ўрганиш зарур. Маълумки, совуқ урушлар даврида алоқаларимиз сезиларли даражада узилиб қолганди. Шу боис, бу тадбирдан яна бир мақсадимиз — ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларимизни мустаҳкамлашдан иборат.

Бунинг учун биз мутахассислар айирбошлашни тўғри йўлга қўйиб олишимиз керак. Агар бу масалани ҳал қилолсак борми, ўзаро алоқалардаги барча ишларимиз осон амалга ошади. Демоқчиманки, сизнинг бизга юборган мутахассисларингиз билан муносабат ўрнатиш бизга қанчалик енгиллик туғдирса, бизнинг сизларга жўнатадиган мутахассисларимиз билан тил топишиш ҳам сизлар учун ҳеч қандай мушкуллик туғдирмайди.

Шунингдек, хусусий бизнес масалаларига янгича ёндашиш муаммолари ҳам бизни қизиқтиради.

Учинчи йўналишдаги мақсадимиз шуки, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан ҳам танишишни хоҳлаймиз.

Семинар кенгашнинг аҳамиятини унда таҳлил этилган муаммоларнинг салмоғи белгилаб турибди, деб ўйлайман. Чунки муҳокама қилинган ҳар бир тема бирмунча мураккаб ва айтиш мумкинки, жуда катта аҳамиятга молик эди. Ҳар қайси масала муҳокамасида кўплаб саволлар туғилгани ва баҳс-мунозаралар бўлганидан эса биз хурсандмиз.

Ш. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПАРЛАМЕНТ МАХСУС КОМИССИЯСИДА

16 январда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг янги тузилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини хорижий мамлакатлар тан олиши, улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишлаш учун номзодларга доир тавсияларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни атрофлича ўрганиш махсус комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби М. Қ. Қаюмов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 августдан буён ўтган даврда Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини шу кунгача 44 та хорижий мамлакат тан олди. Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Олмония, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Покистон, Миср шулар жумласидандир. Улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, мустақил Ўзбекистон тақдирини ўйлайдиган, унинг манфаатларини юксак даражада теран таҳлил эта оладиган, чет тилини биладиган етук кишиларни танлаш, тарбиялаш, мазкур соҳада фаолият кўрсатишга тавсия этиш мураккаб, масъулиятли жараёндир. Турли касбга, ёшга мансуб, билим ва амалий тажрибага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси халқ ноибларидан иборат комиссия мажлисида ана шу ишларни амалга ошириш режалари, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Бу ҳақда комиссия раисининг ўринбосари, Давлатлараро алоқа ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби Ш. С. Зиёмов ахборот берди.

Шунингдек, мажлисда комиссия котиби этиб Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби, Халқаро ишлар бўйича комитет аъзоси Р. Раҳмонов тасдиқланди.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти котибияти номидан ва шахсан ўз номимдан сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига яқдиллик билан сайланганингиз муносабати билан сиз, жаноби олийларини табриклаш бахтига муяссар бўлдик.

Сизнинг ана шу олий лавозимга сайланишингиз ташкилотимиз билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда янги давр очишига умид қиламиз. Сиз, жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, ўзбек халқига бахтли ҳаёт ва ёрқин келажак тилаймиз.

Нури Абдул РАЗЗОҚ,
бош котиб.
доктор Мурод ҒОЛИБ,
президент.
Самандар ҚАЛАНДАРОВ,
Доктор
бош котиб ўринбосари.

●

Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Қизилқия шаҳридаги Муҳаммадий масжидининг жамоаси, шу вилоятнинг Қорасув районида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ўзбеклар, Чироқчи шаҳрида яшаётган 98 ёшли Маҳамадқул бобо Тўраев И. А. Каримов умумхалқ президенти сайловида ғалаба қозонгани муносабати билан самимий табриклар йўллаб, унинг ана шу олий лавозимда Ўзбекистон Республикаси халқи фаровонлиги йўлидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилашган.

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сайловида эришган ғалабангиз билан қизғин табриклаймиз. Бу ғалаба Сизнинг демократия, ҳамжиҳатлик ва Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар дўстлигини ривожлантиришга қаратилган серқиррали фаолиятингизга берилган умумхалқ баҳосидир. Чет эллардан келаётган кўпсонли табрикномалар эса уни тан олишдир.

Хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятининг фаоллари сифатида бизга Сизнинг халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик ҳаракатига қўшаётган ҳиссангиз ғоят қадрлидир.

Кейинги икки йил давомида жамиятимиз ва унга кирувчи ташкилотлар жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаб бориш жараёни билан таништиришда доимий ва амалий воситачи бўлди. Сиз эълон қилган миллий мустақиллик ва давлат тузуми жараёнининг бошланиши дўстлик жамиятининг ҳар бир аъзоси томонидан чин дилдан қўллаб-қувватланди.

Жумҳуриятимиз манфаатлари йўлида халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ишига бундан кейин ҳам муносиб ҳиссамизни қўшамиз, кучқувватимизни, билимимизни аямаймиз, деб Сизни ишонтирамиз.

С. У. СУЛТОНОВА,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти раиси.
П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
академик, «Ўзбекистон—Покистон» жамияти раиси.
Қ. Ҳ. МАҲАМАДАЛИЕВ,
қурилиш вазири, «Ўзбекистон — Ҳиндистон» жамияти раиси.
И. И. ИСКАНДАРОВ,
академик, «Ўзбекистон—Туркия» жамияти раиси.
Т. Ш. ШОЕҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси, «Ўзбекистон — Эрон» жамияти раиси.
Ш. О. АЛИМОВ,
олий ва ўрта махсус таълим вазири, «Ўзбекистон — Франция» жамияти раиси.
Б. А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
жамоат арбоби, Араб мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти раиси.
М. А. АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, АҚШ билан алоқа боғлаш Тошкент шаҳар жамияти раиси.
Т. Ф. ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби, меъморчилик ва санъат арбобларининг ассоциацияси раиси.
М. М. МАЛИКОВ,
адлия вазири, ҳуқуқшунослар ассоциацияси раиси ва бошқалар.

ОРОЛБЎЙИНГА ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

Тошкентга болалар даволаш-профилактика муассасалари учун асосан тиббий дори-дармондан иборат хайрия ёрдами келди.

У Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмасининг Япония Қизил крести маблағи асосида ташкил этилди. Бу дори-дармонларни республикамизга жўнатишда Голландиянинг Қизил крести ҳам қатнашди.

Хайрия ёрдамидан Оролбўйи минтақасидаги болалар касалхоналари ва муассасалари баҳраманд бўладилар. Қутиларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятининг шимолий қисмидаги, шунингдек Туркманистоннинг Тошҳовуз ва Қозоғистоннинг Қизил Урда вилоятларидаги касалхоналарнинг аниқ манзили кўрсатилган.

Буларнинг ҳаммаси Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари ташкил этган Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш комиссияси иши натижасидир.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон олтини

(Давоми. Боши биринчи бетда).

1976 йилда Навоий кон-металлургия комбинати марказий кон бошқармасига келди ва унга директорлик қилди. 1983 йилдан эса Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори этиб тайинланди. Навоий кон-металлургия комбинати тизимини йўлга қўйиш, Қизилқум саноат районини ўзлаштиришда В. Н. Сигединнинг ҳиссаси ниҳоятда салмоқли бўлди.

ОЛТИНПАЗЛАР

...Биз Тошкентдан сим қоқиб, уни тополмагач, таваккал қилиб йўлга отландик. Олмалиқ бораётганимизда, у бизни қабул қилармикин, олтин ишлаб чиқариш жараёни билан таништиришга рози бўлармикан, деган шубҳа хаёлимизнинг қаеридадир яширинган эди. Зеро, шундай бўлиши табиий ҳам эди-да. Чунки республика заминига яширинган жавоҳирларни ҳеч кимдан сўраб-суриштириб ўтирмай қазиб олиб, ташиб кетишга кўникиб қолган марказ гумашталари ана шу дафина ёнига ҳеч кимни йўлатмас эдилар. Комбинат дарвозаларидан одам тугул ҳатто сичқон ҳам ўрмалаб киролмасди. Тўғрироғи, Ўзбекистон ер ости ва ер усти бойликлари унинг ўзига бегона бўлиб қолганди. Минг қатла шукурки, худо Ўзбекистонга батамом мустақилликни, озодлик ва ҳурликни раво кўрди. Республика ўз бойлигини ўзи тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳартугул Виталий Николаевич шу ерда экан, қаергадир отланиб турганида учрашдик. Келиш мақсадимизни эшитгач, бироз ўйланиб турдида: «Аввал телефон орқали бўлса ҳам келишиб олганимизда сизлар учун қачон ва қанча вақт ажратишни белгилаб олардим, — деди, сўнг нималарнидир мулоҳаза қилиб қўшиб қўйди. — Майли, иш куним тартибини бузиб бўлса ҳам сизлар учун 25 дақиқа вақт топаман. Аммо келишиб олайлик, қандай савол-жавоб бўлса, ҳаммаси йўл-йўлакай айтилади. — У шундай деяркан кулиб қўйди. — Сизлар баҳона цехни ўзим ҳам яна бир бор кўриб, одамлар билан учрашиб келаман. Биласизларми, одам ўз фарзандларини бир кун кўрмаса соғиниб қолганидек, мен ҳам мана шу цехда бир кун бўлмасам нимадир етишмаётгандек туюлади. Ахир сирасини айтганда, бу цех ҳам менга фарзанддек бўлиб қолганда...

Қаерга бормайлик, кимлар билан учрашиб суҳбатлашмайлик, Виталий Николаевични синчиклаб кузатдик. У шахдам одим ташлар, қисқа-қисқа, аммо оддий ва тушунарли қилиб сўзларди. Кишилар билан сира ҳам овозини кўтармай сўзлашар, гап оҳанги қатъий бўлса-да ҳамсуҳбатига нисбатан ҳурмат ва меҳрибонлиги яққол сезилиб турарди.

Унинг айтганидек, йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик.

— Президент И. А. Каримов умумхалқ сайлови арафасида олмалиқлик сайловчилар билан учрашганида биз ўз олтинимизга эга бўлганимизни ҳеч кимдан сир тутмаймиз, аксинча уни халқимизга кўрсатиб, ўз бойлигимизга ўзимиз эгалик қилаётганимиз билан элимизни табриклаймиз деган эди, — деди у машина комбинат дарвозасидан кириб бораётганида. — Аммо шуни ҳам айтай, сизлар журналистлар орасида биринчи бўлиб олтин конини ва маъданни эритиб қуйиш жараёнларини кўрасизлар. Бу билан ҳар қанча фахрланасангизлар арзийди.

Комбинатнинг қўш-қўш минорали қуюв цехлари бир-бирига уланиб кетган. Бош директорнинг таъкидлашича, бу корхона ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринда турар экан. Унинг тайёрлаган мис, рух ва бошқа маъданлари собиқ Иттифоқнинг деярли барча ҳудудларида ишлатилади. Сифати ва софлиги аъло даражада бўлгани сабабли барча корхоналар уни ҳамиша интиқиб кутишади. Завод маҳсулотига талаб ниҳоятда кучайиб бораётгани сабаби ҳам ана шунда...

Кетма-кет келадиган паст-баланд зиналар бизни дам қуйига, дам юқорига олиб чиқаётгандек эди. Аввал бошда бири-биридан узун йўлаклар, ечиниш-кийиниш хоналари, душхоналаридан ўтдик. Бу ерда ҳаммаси ҳарбийча тартиб-интизом. Ишчи ва хизматчилар кириш ва чиқишда қаттиқ назоратдан ўтадилар.

Мана, олтинпазлар ишлайдиган цехлар. Эшиклар маҳкам қулфланган ва муҳрланган. Ҳар ер-ҳар ерда соқчилар кузатиб турибди. Барча иш жараёнлари автоматлаштирилган. Операторлар фақат автомат-механизмларнинг ишини кузатиб туришибди.

— Эътибор беряпсизми, — В. Н. Сигедин йўл-йўлакай ҳикоя қилиб борди. — Цехнинг поллари қора, деворлари кул ранг мармардан, шифти ва сув қувурлари, ванналар титандан ишланган. Цех бундан кейин сира ҳам таъмирлашга муҳтож бўлмайди. У бир умрга мўлжаллаб қурилган.

Олтин ва кумуш цехи — реакторлик эриттичлар жойлашган хоналарга яқинлашганимизда бош директор лўнда қилиб буйруқ берди: — Биз билан фақат уч киши — Макаров, Коршинов, Усмонов киради.

Бизга икки аппаратчи ва бир мастер ҳамроҳ бўлди.

— Олтин ва кумуш бизда йўлдош маъдан, — деб изоҳ берди бўлим бошлиғи Анатолий Косарев. — Комбинатимиз асосан мис ва бошқа металлар ишлаб чиқаради. Руда таркибида олтин ва кумуш зарралари ҳам борлиги кейинчалик аниқланди. Асосий маъданлар олиб бўлингач, тўйинган руда бизнинг цехга келади ва шу ерда узоқ ишлов жараёнидан ўтади. Электролизларга қўйилган тўрлар эриган руда орасидан олтин зарраларини илиб олади. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, улар йиғилиб-тўпланиб, мана шу тўртбурчакли тўрларни бутунлай қоплайди, сўнг улар сидириб олиниб, печларда эритилиб, ғишт ҳолида қуйилади.

Бу ерда ишлаётган олтинпазлар — катта уста А. Коноков, лаборатория мудири кимёгар Л. Солдаев, лаборант — кимёгар С. Шакархонова, аппаратчилар бригадаси бошлиғи Э. Ахтямовлар ўз касбининг усталари ҳисобланишади. Иссиқ печлар олдида, турли кимёвий моддаларнинг ҳавога таралиб турган бугидан нафас олиб ишлашнинг ўзи бўлмайди. Юзлари ҳам бу ердаги ҳароратдан олтин каби қизариб, ял-ял товланаётган бу кишилар мустақил республикага олтин сув билан ҳаводек зарурлигини қалбдан ҳис этадилар.

Дарвоқе, олтин олиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Дастлабки Олмалиқ тилласининг илк қуймасини Зарафшон конларида бой тажриба тўплаган Виктор Макаров билан Анатолий Кузеванов ва Василий Мирошниченколар қуйган эдилар. Ўшандан бери тилла ариқларда қанчадан-қанча олтинлар оқди, қуймага айланди. Улар бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳазинасини тўлдириб боряпти. Бу олтинлар халқники, халқимизнинг равнақи, фаровонлиги йўлида сарфланадиган дафинадир.

— Омадли экансизлар, — В. Н. Сигедин навбатдаги хонанинг мусти-мустаҳкам эшикларини очишни буюрар экан, ичкарига таклиф қилиб деди. — Бугун олтин қуйиладиган кун. Буни кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Ўртадаги қозонларнинг, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, қопқоғини очишди. Хона ичига «сув» бўлиб эриб ётган олтиннинг қизғиш шафағи таралди. Элдор Ахтямов билан Виктор Макаров узун-узун қўш бандли чўмичларни тўлдириб, аста-авайлаб қолипларга қуйишни бошлашди. Бу қолиплар ўн уч килограмм олтинга мўлжалланган. Бир миқдор ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмайди. Бу хонада иш тугагач олтинпазлар қўшни хонага ўтишади. Бу ерда уларни кумуш қайнаётган қозонлар кутиб турибди. Қўллари маъдан қуйишдан бўшагач, реакторлик эриттичларга кўз-қулоқ бўлишлари лозим. Хуллас, комбинатнинг олтин ва кумуш цехлари кеча-кундуз сира ҳам тиним билмайди. Руда таркибидаги зарралар тайёр қуйилмаларга айлангунига қадар минг хил иш жараёнлари бажарилади.

Бир-бирига ўхшаш «олтинпишар» хоналардан ўтиб, тиллалар сақланадиган хазинага яқинлашдик. Хазинабон ҳаяжонланибми, уч сидра уринби эшик зулфларини оча олмади. Шунда Виталий Николаевичнинг шиддаткорлиги тутиб кетди. У ҳам калитни нечоғли айлантирмасин қулф очилмади. Кимдир бу ишга С. Тарский уста деб қолди. Катта механик калитни совуққонлик билан қулфга солди. Худди эртаклардагидек, хазина эшиклари ланг очилиб кетди. Бу ерда махсус қутиларда, халталарда Олмалиқнинг тилла ва кумушлари сақланарди. Кумуш ёмбиларнинг ҳар бири 28 килограмм, олтин ёмбилари 13 килограмм эди.

— Виталий Николаевич, ростини айтинг, ҳозиргина мана шу олтин ва кумуш қуймаларга қараганингизда нималар ҳақида ўйладингиз, — деб сўраймиз бош директордан.

— Нималар ҳақида дейсизми? — В. Сигедин олтин қуймалар юзини меҳр билан силаб қўяркан, деди. — Биласизми, мана шундай пайтларда жуда кўп воқеалар кўз олдимдан пайдар-пай ўтади. Комбинат қошида мана шу цехни қуриш учун қилган ҳаракатларим, марказнинг тазйиқу хуружлари, маҳаллий тўраларнинг сансалорликлари, ҳаммаҳаммасини эслайман.

(Давоми учинчи бетда).

СУРАТЛАРДА: (чапда) кумуш ва олтинпазлик иши устаси А. Кузеванов смена олдидан ишчиларга топшириқ беряпти. Ўртада — олтинпазлик лабораторияси лаборанти Соня Шакархонова. У Тошкент политехника олий билимгоҳни битиргач тўғри шу ерга ишга келди. Ўнгдаги суратда эса олтин ёки кумуш зарраларини ушлаб қоладиган электролиз аппарати.

• *Ўзбекистон—Туркия*

ИНТИЛГАН ИМКОН ТОПАР

Олмаотада ишбилармонларнинг навбатдаги халқаро кенгаши иш бошлади. Кенгашда 50 дан зиёд туркиялик ишбилармон ҳам қатнашмоқда. Улар Қозоғистон пойтахтига учаётиб, Тошкентда қўниб ўтишди. Мухбиримиз уларнинг айримлари билан учрашиб, суҳбатда бўлди.

Эрўл ЯРАР, «МУСИАД» президенти:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноблари Туркияга қилган сафари чоғида туркиялик ишбилармонларни Ўзбекистонга таклиф этди. Биз бу таклифдан жуда мамнун бўлдик. Президент жаноблари Туркия раҳбарлари билан музокараларида таъкидлаб ўтганидек, бизнинг мамлакатимиз ишбилармонларининг каттагина тажрибаси бор. Биз Президентнинг даъватига жавобан Тошкентга келдик.

Бизнинг «МУСИАД», яъни мустақил ишбилармонлар уюшмаси ўз сафига 250 дан зиёд тажрибали тижорат аҳлини бирлаштирган.

— Муҳтарам Эрўлбей, Тошкентга қандай дастур билан келдингизлар!

— Бизни, туркиялик ишбилармонларни Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги семинарга таклиф этди. Имкони бўлгани учун биз Тошкентда қўндик. Ўйлайманки, Тошкентга келишимиз бизга жуда кўп нарса берди. Чунки биз Ўзбекистон Президенти Каримов жаноблари билан учрашдик. Ўзбекистон ташқи алоқалар комитетида қабул қилиндик. У ерда Туркия ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида анчагина келишувларга эришдик. Айрим ишбилармонлар моллар айирбошлаш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳақида келишиб олишди.

Биз Тошкентга келишимиздан жуда мамнунмиз. Лекин айрим афсусланарлик томонлари ҳам бор экан.

— Нималарни назарда тутяпсиз, Эрўлбей афандим!

— Сиз мени танқид маъносида тушунманг. Лекин баъзи ўнғайсизликларни айтиб қўйишни лозим, деб ўйлайман. Масалан, Истанбулдан Тошкентгача учиш баҳоси жуда қиммат. 500 доллар қимматлик қилади. 100 доллар атрофида бўлса ишбилармонлар тез-тез келиб-кетиб туришлари мумкин. Яна бир масала виза бериш муаммоси. Қачонгача визани рус консулхонаси беради. Бунинг устига кўпчилик одамларимиз виза ололмагани учун келиша олмади.

— Эрўлбей афандим, ўйлайманки, келгусида булар ҳал бўладиган нарсалар, Алоқаларимиз янада кенгайиши турган гап.

— Иншолло.

Исмоил ЧИНГИЗ, «Сумпак — Туризм» ширкатининг Ўрта Осиёдаги вакили:

— Ўтган йил ёзда Тошкентда ишбилармонлар учрашуви бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Бу йил шундай учрашув Олмаотада ўтяпти. Туркиялик тижжорлар бу кенгашга Москва орқали келишлари керак эди. Аммо биз, яъни «Сумпак —Туризм» ширкати Истанбул Тошкент рейсини ташкил қилдик.

Тошкент орқали учиш анча қулай, ҳам арзонга тушади...

— Албатта. Бу жуда катта қулайлик туғдиради.

— Бўлмасамчи. Энг муҳими шундаки, туркиялик ишбилармонлар Тошкентга қўниб, тижорат ишларининг аҳволи билан танишдилар. Ширкатлар, қўшма корхоналар тузиш ҳақида келишиш имконига эга бўлдилар.

— Бу осонликча бўлмагандир.

— Табиий. Биз Ўзбекистоннинг «Сайёҳ-Интур» бирлашмаси билан, Тошкент аэропорти билан шартнома туздик. Мана, туркияликлар Тошкентда икки кун меҳмон бўлишди. Биз Тошкент аэропортининг икки кичик «учоқ»ини ижарага олдик. Олмаотага учиб борамиз.

Бу ерда асосий мақсад Туркия ишбилармонига Ўзбекистонни таништириш, икки халқнинг бир-бирига бориб келишларига, қариндошларнинг ўзаро кўришишларига имкон яратиш. Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтаётган бир шароитда бу жуда муҳим. Бир-биридан ўрганиб, бир-бирига ўргатиб ва кўмак беришгина бу қийин шароитдан чиқиб кетиш мумкин бўлади.

— Ташаккур.

Журъат МИРФАЁЗОВ, «Сайёҳ—Интур» бирлашмаси бош директори:

— Ҳорманг Журъат ака, меҳмонларни кутиб, чарчамадингизми!

— Чарчамадим, дея олмайману, лекин хориждан меҳмонларнинг кўплаб келиши ҳам иш, ҳам байрам. Мана туркиялик бирodарларимиз келишди. Уларни қанчалик яхши кутиб олсак, қанчалик хизмат кўрсатсак ишларимиз шунчалик юришиб кетади.

Ўзингиздан қолар гап йўқ. Олдинлари ўз ҳолимизча бирор ерга чиқолмасдик. Бировни таклиф қилолмасдик. Мана энди мустақилликка эришганимиз шарофати билан алоқалар кенгаймоқда. Туризм ривожланмоқда. Хорижий мамлакатларнинг ширкатлари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Шуниси қувончлики, бу ишга ҳайриҳоҳлик билан қарашяпти.

Президентимизнинг Туркия сафаридан кейин алоқалар ҳар томонлама кенгаймоқда. Биргина туризм соҳасида эмас, ишбилармонлар келиб бу ердаги шароитларни ўрганишяпти. Имкониятлар анча кенгайганига иқрор бўлишяпти.

— Журъат Миржалилович, ишлар осон кўчяптими ишқилиб!

— Нимасини айтасиз, ҳалиям ўша маъмурий-буйруқбозлик кайфиятидан борга ўхшайди. Баъзан тўсиқларга дуч келамиз. Лекин ўзгариш катта. Кўп нарса ўзимизга ҳам боғлиқ. Эски кайфиятлар йўқолса, йўллар янада кенгроқ очилиши шубҳасиз.

Алиўсмон АЛИАСЛОН, хусусий телекомпания соҳиби:

— Биз Туркиядаги мустақил ишбилармонлар уюшмаси президенти Эрўл Ярар бошчилигида Ўзбекистонга келдик. Асосий мақсад тажриба алмашиш, имкониятларни ўрганиш. Бу ерга келганлар асосан ишбилармонлар. Уларнинг нияти ҳам кўмаклашиш, ҳам бирор манфаат кўриш.

Мен ўзим хусусий телевизион компания очиш ниятидаман. Шу мақсадда Ўзбекистон телевидениеси иши билан танишиб, уларнинг айрим маҳсулотларини сотиб олиш ва ўз хизматимни таклиф этиш умидидаман. Яхши ижтимоий, диний, бадиий фильмлар, мультфильмлар таёрлаганман. Ўзбекистонлик ҳамкасбларим яратган видеофильмлар билан айирбошлаш айни муддао бўлур эди.

Суҳбатдош Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

КОЛХОЗДА ХОНАТЛАС ТЎҚИЛМОҚДА

Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозида хонатлас тўқиб чиқаришни ўзлаштирдилар. Ана шу миллий матонинг дастлабки туркуми қишлоқ аҳлига сотилди.

Бу ерда колхоз аъзоси, омилкор Б. Аҳмедовнинг ҳаракатлари туфайли янги тармоқ юзага келди. У ана шу таклифни айтди, таклифни рўёбга чиқаришда ёрдам берди. Ускуналар сотиб олиш учун пул сарфлашмади. Ҳунармандлар дурадгорлик устахонасида Наманган ускуналари намуналари асосида бир неча тўқув дастгоҳи ясашди. Бу дастгоҳларни колхоз бошқарувининг бўш ётган эски биносига ўрнатишди.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим деманглар

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ЗАРУР ЖАМҒАРМА

● БАРНАУЛ

Олтойда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ўлка жамғармаси тузилмоқда.

Жамғарма учун маблағни мулкни хусусийлаштиришдан олинадиган даромадларнинг бир қисми, ўлкада ҳар бир хизмат машинасига 5 минг сўм миқдорида маҳаллий солиқ жорий этилишидан тушадиган пул ҳисобидан олишга қарор қилинди. Шунингдек, турли хилдаги кимошди савдолар, кўнгилли равишда қилинган ҳайр-эҳсонлар ва пул-буюм лотереясидан тушган пулларнинг ҳисоби ҳам пул жамғармасига ўтказилади.

ЧИҚИНДИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТЎХТАТИЛДИ

● КРАСНОЯРСК

Красноярск кон-кимё комбинати Украинадаги тўртта атом станцияси чиқиндиларини қабул қилишни тўхтатди.

Мустақил Украина сибирликларнинг иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги тадбирларини кўриб чиқиш тўғрисида бир неча марта қилган илтимосларини назар-писанд қилмади. Шу боисдан Красноярск шаҳар маҳаллий маъмурларининг қарорига мувофиқ, ишлатиб бўлинган иссиқлик чиқарадиган элементлар ташиладиган махсус вагонлар жўнатилмайдиган бўлди.

ХОРИЖДА

ТАН ОЛИНГАНЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● ЛИССАБОН

Европа ҳамжамияти 15 январь куни Тожикистон билан Қирғизистоннинг мустақиллиги тан олинганлигини эълон қилди.

Европа ҳамжамиятининг Лиссабонда тарқатилган баёнотида собиқ СССРнинг мана шу республикалари шарқий Европадаги ва собиқ Совет Иттифоқидаги янги мамлакатларни тан олиш учун «Умумий бозор» ўртага қўйган шартларга риоя этиш ниятида эканликлари хусусида мамнуний изҳор қилинади.

ДАХШАТЛИ УРУШНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ

● ҚОҲИРА

17 январь кунни Форс кўрфазида уруш бошланганига бир йил тўлади.

Шу кун арафасида Ироқ маъмурлари мамлакатда «Хиёнатчилар гуруҳи»ни ва аҳоли қўлидаги қурол-яроғларни аниқлаш ишларини кучайтириб юбордилар. Хавфсизлик маҳкамасининг ходимлари кечалари мунтазам изғиб юриб, уй-жой биноларини тинтув қилмоқдалар. Иордания билан чегарадаги ўтқазиш-назорат жойларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Автомашиналар қайта-қайта синчиклаб текширилмоқда.

Бағдодда эълон қилинишича, Форс кўрфазида уруш бошланган кунинг бир йиллиги Ироқда тантанали нишонланади.

(ТАСС ва марказий газеталарнинг материалларидан фойдаланиб тайёрланди).

«ИШЧИЗОДАЛАР» МАҚОЛАСИ («ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1991 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРЬ) МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛАЙДИ

ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

«Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган нақл бекорга айтилмаган. Сирасини айтсак, холвапазлик ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Аммо отабобоси ҳолвапаз ўтган косонликларнинг довруғи узоқ-яқинга кетгани бежиз эмас, албатта. Улар тайёрлайдиган парварда, обиновват, нишолда-ю сочҳолва эл дастурхонини безайди, еганларнинг дили яйрайди.

Шундай бўлса-да, кейинги вақтларда бу касб эгаларининг иш маҳорати, эҳтиёж ва ташвишлари ҳақида кам ёзадиган бўлиб қолдик, оғир саноат масалалари хусусида бонг уришга берилиб кетдик. «Ишчизодалар» мақоласида тўғри таъкидланганидек, миллий ҳунармандчилигимизни оз бўлмаса унутаёзибмиз. Чакки қилибмиз.

— Ширинпазлик билан ўн саккиз йилдан бери шуғулланаман, — дейди Косон миллий ширинликлар қандолатчилик фабрикаси цех бошлиғи Рустам ака Барноев. — Қандолатчилик касбини мен 70-йиллар бошида отамдан ўрганганман. Отам Барно Бўриев моҳир ширинпазлиги билан эл-юрт ҳурматини қозонган киши. Отамнинг отаси Бўрибобо ҳам умр бўйи қандолатчилик билан шуғулланган. Бу ҳунар қийин, албатта. Кўп юмушлар илгари қўлда бажариларди. Энди эса қиёмни техника ёрдамида ишлаймиз. Биз бир отадан уч киши — укаларим Саттор ва Достонлар ҳам ҳолвапазлик касбини эгаллаганмиз. Биз ясаган чулули ва хўрозқандни болалар севиб истеъмол қилишганда, ўзимиз ҳам яйраб кетамиз.

Қандолатчилик — чиндан ҳам фахрли касб. Бу ҳунарни эгаллаганлар кам бўлаётгани йўқ. Парварда, новвот, нишолда каби миллий ширинликлар тўй-маъракаларимиз кўрки бўлиб бораётгани ҳар биримизда ғурур уйғотиши табиий. Шунга кўра, ҳар бир ўзбек оиласи дастурхонида бундай қандолатчилик маҳсулотлари янада кўпроқ бўлиши йўлида тинмай изланяпмиз.

Холва тайёрлашнинг ўзи анча мураккаб иш. 1984 йилгача фабрикада қиём қуруқ ўтин ёқиб қайнатиларди. Кейинчалик кўмирдан фойдаланилди. Табиий газ келиб, қандолатчиларнинг оғир иши анча енгиллашди. Холва пишириш қурилмалари автоматлашди. Энди қиём тезда 150 даражагача қайнатилиб, қисқа фурсатда совитиладиган бўлди. Хамирни чўзиб оқартирувчи махсус машина ишга тушди. У ўнлаб кишиларнинг ишини бажармоқда. Аммо бу касб қон-қонига сингиб кетган, уни ота-боболардан мерос олган кишилар бу жабҳада астойдил ижодий меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Корхонада Рустам Барноев, Шодмон Тилаков сингари Қаҳрамон Иннатуллаев ҳам, ака-ука Отақул ва Раҳмон Абдуллаевлар ҳам ширинпазликни эъзозлаб келмоқдалар.

Ака-укаларнинг падари бузруквори Абдулла ота Авазов ҳозир тўқсон ёшни қоралаб қолди. Лекин фарзандларидан ёрдамини, маслаҳатини сира аямайди. Касби-кори авлоддан-авлодга ўтиб келаётганидан мамнун. Энди миллий анъана-ю, урф-одатларимиз ривожига кенг йўл очилаётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта. Мана, тажрибали ширинпаз Қаҳрамон Иннатуллаевнинг фарзандлари Руслан ва Анзорлар ҳам ҳолвапазликка меҳр қўйишди. «От изини той босар» деганларидек, ранг-баранг қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашга қўллари келиб қолди. Бу касбнинг мураккаб жиҳатларини улар қунт билан эгаллаб боришмоқда.

Корхонада кўплаб хотин-қиз қандолатчилар авлодлари сафи ҳам кенгайиб бораётгани кўнгилни кўтаради. Зулфина Файзуллаева, Шамсия Муртозаевалар тайёрлаган ширинликларни истеъмол қилган ҳар қандай киши қўлларингиз дард кўрмасин, дейди. Бундай баҳони олганлар, истеъмолчилар эътирофига сазовор бўлганлар кам бўлмайди. Жамоада устоз-шогирдлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

Умуман, Косон ширинпазларига қойил қолиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, улар ўтмиш авлодлар меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш билан бирга, қандолатчилик касбини улуғлаб, эъзозлаб, ҳар томонлама ривожлантириб боришга ҳаракат қилишяпти.

— Тақчиллик шароитида ширинпазларимиз хом ашё етишмаслиги важидан қатор муаммоларга ҳам дуч келишяпти, — дейди фабрика директори Х. Ортиқов. — Шакар етарли эмас. Қандолат маҳсулотларига талаб ошгандан ошиб бормоқда. Савдо дўконларининг пештахталари бўм-бўш. Маҳаллий шароитни ҳисобга олиб кўпроқ ишлашимизга тўғри келади. Қандолатчиларимиз буни тўғри тушунадилар. Лекин таъминотчи — республика Савдо вазирлиги хом ашёга бўлган талабимизни 50 фоиз ҳам қондирмаяпти. Биз эса ташвишдамиз. Ишимиздан файз кетмасин, касбимизга зиён етмасин ва истеъмолчилардан ажралиб қолмайлик, деган ташвиш хаёлимизни ҳамиша банд этиб турибди.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон олтини

МАРКАЗ БИЛАН ОЛИШУВ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Дарҳақиқат, бош директор мана шу замонавий техника билан қуролланган цехни қуриш учун озмунча азият чекмади. Унинг ўрнида иродаси бўш бошқа одам бўлганида «асосий маъдан — мис ишлаб чиқаряпмизми, бошқаси билан ишим йўқ», деб тинчгина директорлик вазифасини бажариб юраверарди. Йўқ, В. Н. Сигедин ўз тинчлигини кўзлайдиган одамлар тоифасидан эмасди. Ана шу тиниб-тинчимаслиги сабабли Навоий ва Зарафшонда ишлаб юрганида ҳам ўзи ва атрофдагиларга жуда кўп ўнғайсизликлар келтирганди. У Олмалиқ кон-металлургия комбинатига бош директор бўлиб ўтганидан кейин ҳам одатини ўзгартирмади. Айниқса, руда таркибида бошқа маъданлар қатори олтин ва кумуш зарралари борлиги ва ундан мамлакат бўйича энг юқори сифатли, яъни софлиги 99,99 бўлган тилла тайёрлаш мумкинлиги аниқланган, унинг тинчлиги йўқолди. Қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйгунга қадар 8 йил давомида тинмай курашди. Марказдаги ва Тошкентдаги вазирликларни обдон безор қилди. Тайёр бойликка эгалик қилаётган марказ эса қўлини совуқ сувга ургиси келмади. Чунки шундоқ ҳам Ўзбекистоннинг олтинлари текинга Москвадаги хазиналарга оқиб келаётган эди-да. Тошкентдаги вазирликлар бўлса барча бойликларга Москва хўжайинлик қилгандан кейин ўшалар жонини койитишсин, дейишди. Икки ёқдан иш чиқмагач, В. Н. Сигедин Ўзбекистон Президенти Кенгашида дилидаги ҳамма гапларни И. А. Каримовга тўкиб солди. Президент диққат билан эшитди, валюта учун соф олтин ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча жараёнларни эринмай суриштирди. Янги цех қуриш ва уни замонавий технология билан қуроллантириш борасида нимаики зарур бўлса ҳаммасини сўраб билди. Олтин ва кумуш ишлаб чиқаришда Республикадаги энг йирик мутахассис эканлигини, ўзининг қандай ишларга қодирлигини В. Сигедин мана шу учрашувда кўрсатди. Бундай учрашув ва суҳбатлар кейин яна бир неча марта бўлиб ўтди. Барча ҳисоб-китоблар аниқ эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Президент Сигединга ўз дилидаги гапни айтди.

— Ўзбекистон яқин кунлар ичида ўз хазинасига ўзи эгалик қилади. Марказнинг ер ости ва ер усти бойликларимизни ташиб олиб кетишига бундан кейин йўл қўймаймиз. Шундай экан, нимани лозим кўрсангиз, бемалол қилаверинг. Ўзбекистон хазинасини бойитишга имкон берадиган барча ишларингизга йўл очиб берамиз.

В. Н. Сигедин Президентнинг оқ фотиҳасини олгач ўзини қанот чиқаргандек ҳис этди. Зудлик билан лойиҳачилар гуруҳи тузилди. Бош директор илтимоси билан зарафшонлик олтинпазлар ҳам унга ёрдамга келишди. Комбинатнинг ишчи кучлари асосий қисмини ташкил этган зарбдор қурилиш ташкилотлари тузилиб, шу ҳафтадаёқ бўлажак цех пойдевори учун жой ҳозирлана бошланди. Иннокентий Ким раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» кооперативи қурувчиларга ёрдамга келгач, қурилиш суръати янада тезлашди. Иш шундай ташкил этилдики, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бирор бўлим ёки хона тайёр бўлиши билан монтажчилар бригадаси чел эллардан келтирилган ускуналарни шу заҳоти ўрнатишга киришар эдилар. Лойиҳа қиммати 4,5 миллион сўмдан иборат цех қурилиши ўтган йил июль ойида бошланиб, декабрь ойининг охирги кунларида битказилди. Бош директор республика Президентига берган ваъдасининг уддасидан чиқди. Олмалиқ дунёдаги энг соф олтин ва кумуш ишлаб чиқарадиган жой бўлиб қолди. И. А. Каримов цехни фойдаланишга топшириш маросимида қатнашиб, дастлабки олтин ва кумуш қуймаларини кўздан кечирар экан, бош директорнинг қўлини қаттиқ қисиб табриклади:

— Республика бойлигига бойлик қўшадиган мана шундай кун келишини тезлаштиргани учун комбинат меҳнат аҳлига раҳмат. Асли қаҳрамонлик деб шунга айтадилар. Бу олтинлар энди Ўзбекистон учун, халқнинг тўкин-бадастур яшаши, фаровонлиги учун хизмат қилади...

Ҳикоя шу ерга келганида ҳамсуҳбатимиз бир зум сукутга чўмди. Сўнг нимадандир кўнгли тўлиб, мамнун жилмаяркан деди:

— Биласизми, республикада марказга оқаётган олтин оқимига биринчи бўлиб биз — олмалиқликлар тўғон қўйганмиз. Ўтган йилнинг июли эди. Республика Президенти топшириғи билан тилла ва кумушни Москвага жўнатишни бас қилдик. Ана ўшанда марказ кўрсатган қилиқларни кўрсангиз эди. Ҳар куни телефондаги дўқ-пўписаларни-ку, қўяверасиз. Москвага чақириб олиб, заҳар-заққум сочишлар, тазйиқ ўтказишлар, суд ва қамоқ билан қўрқитишлар... Бу хилдаги воқеалар роппа-роса икки ой давом этди. Ҳаммасига чидадим, тишимни-тишимга қўйиб, тоқат қилдим-у, ўз билганимдан қолмай Ўзбекистон Президенти топшириғини бажариб, цех қурилишини давом эттиравердим. Республика мустақил давлат деб эълон қилингачгина Марказнинг тазйиқи, дўқ-пўписалари тугади.

— Бу воқеалар менинг хотирамга сира ҳам ўчмайдиган бўлиб муҳрланиб қолган, — деди В. Н. Сигедин гапида давом этаркан. — Худога шукурки, олтинпазларнинг иши сири очиладиган кунларга ҳам етиб келдик. Энди бизда Президентимиз айтганидек, ҳеч қандай сир йўқ. Мана, сизлар ҳам буни кўтариб кўринглар. Ўзи оддий металу, аммо қуч-қудрати беҳад, — у шундай деб қўлидаги олтин «ғишт»лардан иккитасини бизга тутқазди. Ўзи бир кафтга жо бўлгани билан ниҳоятда зил-замбил эди бу «ғишт»лар. Чироқ ёғдусида кўзни қамаштиргудек бўлиб, қизғиш-сарғимтир нур таратиб ял-ял товланарди. Мана шу олтин қуймаларни қўлга оларканмиз, кўз олдимиздан мустақилликка эришган Ўзбекистон, унинг ғоят бой замини бирма-бир ўтди. Ахир унинг таркибида Менделеев жадвалига кирган барча маъданлар жо эканлигини илмфан тасдиқлаган. Бу заминда ҳатто дунёдаги энг бой Қувайт нефт-заҳирасига тенг миқдорда нефть запаси борлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам айтилмоқда. Энди мана шу бойликлар Республикамиз, ҳа, фақат Республикамиз истиқлоли учун хизмат қилади. Ҳозирги қийинчиликлар ва танқисликлар сира ҳам қайтмас бўлиб орқада қолиб, халқимиз эсон-омон ойдин, ёруғ кунларга чиқиб олади.

...Кундузги смена ўрнига келган янги смена ишчилари бош директорнинг гапини бўлиб, ишга доир масалаларни фикрлашиб олишаркан, яна ўртадаги мулоқотнинг қандай кечаётганлигига разм солдик. В. Сигедин аниқ, тушунарли қилиб суриштирар, мазмуни ишчилар ҳам шундай оҳангга кўникиб қолишган шекилли, ўзлари ҳам аниқ, лўнда қилиб жавоб қайтаришарди. Мулоқот беш дақиқа давом этди. Аммо шу вақт ичида суҳбатдан директор ҳам, ишчилар ҳам қониқиш ҳосил қилишди. Фақат ҳамсуҳбатлардан бири бош директор ҳайрлашаётган пайтда бир зум ийманиб турди-да, ундан илтимос қилди:

— Виталий Николаевич, видеомагнитофон оламан деб пул йиғиб қўйгандим, илтимос, шуни тезлатишга ёрдам берсангиз.

— Навбатинг келдими? — сўради бош директор. — Биласан-ку, олтинпазми, мис қуювчими, кон ишчисими, навбатда турганларнинг ҳуқуқи бир. Навбатинг узоқ бўлса, бир ҳафта — ўн кун сабр қил, албатта оласан.

...Йўлда давом этамиз. Бош директор бизни олтин ва кумуш софлигини аниқлайдиган лаборатория, маъданнинг мисқолларигача аниқ ўлчайдиган тарозихоналарга, ишдан сўнг ҳамма ювиниши шарт бўлган санитария хоналаригача олиб борди.

— Виталий Николаевич, боя видеомагнитафон ҳақида гап бўлди, шуни тушунтирсангиз, йўл-йўлакай сўраймиз ҳамсуҳбатимиздан.

— Журналистлардан ҳеч қандай гапни яшириб бўлмайди-да... Кон-металлургия комбинати қошида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган цеч очиш олдидан корхона жамоаси билан маслаҳатлашгандик. Ҳозир талаб ниҳоятда катта бўлган буюм нима? Узоқ таҳлиллардан кейин видеомагнитафон тайёрлайдиган цех очишга қарор қилдик. Кўп ўтмай Япония фирмалари билан шартнома ҳам тузиб олдик. Ў ердан келтирилган видеомагнитафон қисмлари цехимизда йиғилади. Ҳозир кунига 150 дона аппарат тайёрланяпти. Шундан бир қисмини комбинат ишчиларига нисбатан арзон нархда — ҳар бир донасини 4 минг 300 сўмдан сотяпмиз. Шукур, ишчилар яхши маош олишяпти. Кундалик турмушдан орттириб орзу ҳавас учун сарфлашларига ҳам етади. Шунинг учун ўзимизнинг видеомизни харид қилувчиларни навбатга қўйганмиз. Бир ой ўтар-ўтмай навбат келаверади.

(Давоми тўртинчи бетда).



СУРАТЛАРДА: (юқорида) — кумуш ва олтинпазлик иш жараёнлари тўла автоматлаштирилган. Аппаратчилардан Э. Ахтямов ва В. Количенко автоматлар билан бемалол «тиллашадиган» тажрибали мутахассислар. Ўртадаги суратда эса комбинатнинг хазинабони М. В. Погорельскийни кўриб,турибсиз. Пастдаги суратда олтин ва кумуш софлигини аниқлайдиган лаборатория мудири Л. Солдаев ва лаборант С. Шакархонова иш пайтида тасвирга туширилган.

• *НУҚТАИ НАЗАР*

ТИЛ БИЛГАНГА-ДУНЁ КЕНГ



Хорижий тилларни ўрганишга азал-азалдан катта эътибор билан қаралган. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз бир неча чет тилларини, жумладан, араб, форс, иброний, санскрит, лотин, юнон ва бошқа тилларни билишга интилишган.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий араб, форс ва иброний тилларини ғоятда мукаммал билган ва уч тилда — туркий, араб, форс тилларида самарали ижод қилган. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино араб тилининг талаффузига оид ажойиб асарини ёзиб қолдирганки, ҳозир ҳам бу асар Шарқда айниқса, Афғонистон ва Эронда нашр этилиб, халқ ўртасида маълум ва машҳурдир. Қомусий билимдон олим ал-Хоразмий эса биргина «Мафатих ал-улум» («Илмлар калити») асарида ўз давридаги турли фанларда қўлланувчи терминларни маҳорат билан изоҳлаб берган. Алломалар ал-Беруний ва ал-Фаробий кўпгина фанларнинг билимдони бўлиб тилшуносликка катта ҳисса қўшишган ва араб тилининг грамматикасини чуқур таҳлил қилувчи асарлар ёзишган. Машҳур шоир, файласуф ва тилшунос Маҳмуд Замахшарий тилшуносликка доир ўнлаб асарлар ёзган ва улар кейинчалик бир неча марта чет элларда кўплаб нашр этилган. Бундай буюк олимларимизни кўплаб санаш мумкин.

Минг афсуски, халқимиз уларнинг баъзиларини билади, бироқ асарлари бизнинг давримизда нашр этилмагани учун уларнинг илмий таълимотидан яхши хабардор эмас. Аксинча, уларнинг асарларига чет элларда эътибор берилиб, турли тилларда нашр қилинган. Ҳатто Абу Али ибн Синонинг тилшуносликка доир асарини Тифлисда профессор В. Г. Ахвледиани 1966 йилда асл нусхаси ва русча таржимаси билан нашр этган.

Ўтган асрларда яшаб, ижод этган олиму фозиллар, шоиру муаллимлар, табибу мухандислар бир ёўла бир неча фанлар соҳасида чуқур билимдон бўлишган, уларнинг кўпчилиги хорижий тилларни яхши билишган ва шу тилларда нодир асарлар ёзиб қолдиришган. Шу жиҳатдан тарихимизга чуқур назар солсак, ота-боболаримиз яратган бебаҳо илм хазинасида чет тиллари бўйича ўқиш китоблари, икки-уч ва ҳатто кўп тилларнинг қомусий, таржима луғатларини кўришимиз мумкин. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ўтган замонлардаги шоир ва адабиётшунослар бир йўла тилшунос ҳам бўлганлар. Чунки ўша даврларда филологияга (лотинча: филеосеваман, логос-сўз, тушунча) бир фан сифатида қаралган. Ана шу бобда яна буюк Алишер Навоий шоир, таржимон, адабиётшунос, тарихчи, файласуф ва хорижий тилларнинг катта билимдони — ташвиқотчиси эканлиги билан ҳамон зўр ибрат кўрсатиб келмоқда. Бинобарин, бизнинг юртимизда кейинги пайтларда бу анъана анча унутилди. Ҳозир кўпгина олимлар тилшунос ва адабиётшунослар ўз соҳаларидан нарига ўтолмайдилар ва тор доирада ўралашиб қолдилар. Мен яна ўша том маънодаги филолог бўлиш анъанасини тиклаш тарафдориман.

Афсуски, Бутуниттифоқ бўйича нашр қилинган тилшунослик тарихига доир асарларда шарқ тилшунослиги ҳақида бир-икки саҳифагина юзаки маълумот берилади ва фақат Овруподаги тилни ўрганишга доир таълимотлар ёритилади. («Бундан фақат бир гуруҳ олимлар ёзган ва 1981 йилда Санкт-Петербургда нашр қилинган «История лингвистических учений», «Средневековий Восток» китоблари мустаснодир). Буюк олимлар ал-Беруний, ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Муҳаммад Фарғоний, Абу Али ибн Сино кабиларнинг асарлари XII асрдан бошлаб аввалига лотин тилига, кейин инглиз, фаранг, испан ва бошқа тилларга таржима қилинди, бу халқаро аҳамият касб этди. Умуман, бизга юртдош бўлган олимларнинг назарий ғояларини илмий тадқиқ этишга бағишланган асарлар, китоб ва мақолалар турли мамлакатларда ғарб ва шарқ тилларида мавжуд. Бироқ биз чет тилларини билмаганимиз туфайли улардан бехабар қолганмиз ёки билсак ҳам бунга жиддий эътибор бермаганмиз.

Бундан уч-тўрт йил аввалги даврларда тилимиз, адабиётимиз, тарихимиз ва маданиятимиз ҳақида хорижда нашр қилинган асарларга «сохталаштирувчи» деб «қора кўзойнак» билан қараб келинган эди. Бу эса кишиларни чет элларда нашр этилган асарларни ўқимаслик, аслида, умуман, чет тилини ҳам ўрганмасликка ташвиқот қилиш деб баҳоланиши мумкин. Ваҳолонки, биз ҳақимизда хорижда нашр этилган асарларни чуқур ўрганиш, уларнинг ижобий, салбий жиҳатларни ажратиб олиш, ўзбек тилига таржима қилиш учун яна чет тилини билиш жуда зарур.

Эндиликда чет тилини билиш ҳаётимизда мустаҳкам ўрин олмоқда. Уни ўқитишга ҳам муносабатимиз ўзгаряпти. Энди чет тили домласи эшикдан кирса, талабалар деразадан ўзини ташлаб қочган замонлар ўтиб кетди. Ҳар бир ота-она ҳам энди ўз фарзандининг чет тилини яхши билиб олишини истайди. Бироқ ўрта ва олий билимгоҳларимизда талабалар учун ўқитилаётган турли фан ва соҳаларга доир дарслар шунчалик кўпайиб кетганки, натижада чет тили учун ажратилган ўқув соатлари жуда қисқарган. Ҳатто чет тиллар бўйича домла ва таржимонлар тайёрловчи махсус олий билимгоҳлар, куллиётларда унга ажратилган ўқув соатлари ҳафтасига 8-10 соатга тушиб қолган эди. Бу эса ўша марказдан тайёрланган ўқув режаси ва дастурига амал қилишнинг натижаси эди. Чунки, бу режа, дастурлар, дарслар рус тилида олиб борилувчи гуруҳларга мўлжалланган ва бошқа жумҳуриятларнинг шароити мутлақо ҳисобга олинмаган. Чет тили бўйича дарсларни кўпайтириш учун илгариги ҳаракатларимиз зое кетди. Чунки марказнинг режаси ва дастурини мутлақо бузиб бўлмас эди. Чет тиллари бўйича ўқув соатларини кўпайтириш учун бошқа бирор фан бўйича дарсларни қисқартириш лозим бўлар эди. Лекин қайсинисини қисқартирасиз? «КПСС тарихи»ними ёки «Илмий коммунизмни»ми? Уларга шак келтириб бўлармиди? Бўлмаса, рус тили ҳисобига чет тили бўйича ўқув соатларини кўпайтирамизми? Бунга ҳам тегиш мумкин эмасди. Йўли топилди. Ўзбек тили ҳисобига чет тили ўқув соатларини кўпайтириш мумкин бўлди. Бунга ҳеч ким ҳеч нима демасди. Мана сизга она тилимизга муносабат!

Кўпгина ўқув юртларида ўзбек тили кафедралари тугатилди. Ахир она тилини билмайдиган талаба чет тилини қандай ўрганади?!

Ҳайрият, мустақиллик, эркинлик шамоли эса бошлади. Энди олий билимгоҳлар ҳам мустақил ўз ўқув режа ва дастурларини тузишлари учун имконият яратилди. Ўзбек тили кафедралари ҳам қайта тикланди. Ҳозир ўзбек, рус ва чет тилларини ўрганиш учун тўғри йўл танлаш даври келди. Бунинг учун иқтисодий шароит ҳали етарли бўлмаса-да, халқимизнинг ҳохиши зўр. Улар истагини сўндирмаслик учун бор кучимиз, билимимиз билан ҳаракат қилишимиз зарур. Халқимиз, фарзандларимиз чет тилини билишнинг қадрига тушуна бошлашди. Чет тили домласининг, таржимонларнинг бу соҳадаги олим, мутахассисларнинг ҳам обрў-эътибори анча ошди. Шуни ҳисобга олиб, жумҳурият Фанлар академиясига, халқ академиясига чет тили билимдонларини ҳам аъзо қилиш вақти етди.

Яна бир муаммо бор. Бу лотин тилини ўрганиш муаммоси. Маълумингизким, лотин тили тиббиёт, доришунослик, биология, кимё, чет тили ва бошқа фанларни ўргатувчи ўрта ва олий билимгоҳларда ўқитилиб келинмоқда. Бироқ лотин тилини билувчи мутахассислар, домлалар жуда кам, Лотин тили дарси учун ҳар бир талаба гуруҳи учун 40 соат ажратилган. Бир неча йиллар давомида лотин тилини ўрганишга сарфланган маблағ миллиардларни ташкил этса керак. Лотин тили муаллими йўқ, лекин у ўқитилади. Биласиз, лотин тили фаранг ва испан тиллари билан бир қардош оилавий гуруҳлар—роман тилларига киради. Шу сабабли фаранг ва испан тили домлалари лотин тилидан ҳам дарс бериб келишади. Ўзи «ўлик» бўлса ҳам табиий ва тиббий фанлар тили бўлиб келаётган бу нодир лотин тили жуда кўп турланиш ва тусланишларга эга. Унинг грамматикаси ва сўз тузилишини ҳар ким ҳам, ҳатто чет тили домласи ҳам билавермайди. Шу сабабли лотин тили бўйича дарсларнинг сифатини яхшилаш мақсадида чет тиллари олий билимгоҳида ва куллиётларда бу тил домлаларини тайёрлайдиган кичикроқ бўлимлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўғрисини айтсак, чоракам бир аср мобайнида биз чет тилларини ўрганишни ўша ўтган ота-боболаримиз даврларидаги даражага кўтара олмадик. Балки чет тилларни ўрганишни ўтган асрлардан бизга бебаҳо мерос қилиб қолдирган устозларимизнинг васиятларини ҳам унутдик. Ҳатто уларнинг чет тилига доир китоб ва луғатларидан кўпларини қайта нашр этмадик. Юртимиз ўзга дунёдан, бошқа хорижий мамлакатлардан метин чегара билан ажратиб қўйилди ва бу бизни ўз бобида хароб аҳволга олиб келди. Чет тилини унда сўзлашувчилардан ажралган холда яхши ўзлаштириб бўлмайди. Тилни билиш учун шу чет тилида сўзлашувчилар билан мулоқотда бўлиш, ўша юртда ўқиш орқали яхши билиб олиниши мумкин. Худди ана шу асосда баъзи талаба ва муаллимлар хорижда бўлиб тил ўргандилар. Бироқ бу етарли эмас. Хорижий мамлакатларда ўз соҳалари бўйича ўқиб чет тилларини ҳам ўрганган мутахассисларимизнинг анчагинаси кўпинча ноҳақ қатағон қилиндилар. Агар улар учун жумҳуриятимизда хизмат қилишга шароит яратилганда, улар орқали қанчалик кўп наф олган бўлардик.

Афсуски бизда тил сиёсати ва чет тилларни ўргатиш масаласи тамоман нотўғри йўлдан олиб борилди. Тарихимиз саҳифаларини варақласангиз, гўё бу иш жуда осонлик билан ривожланган, партия ва ҳукуматнинг чет тилларни ўрганишга зўр эътибор берганн, бунинг учун қатор қарорлар қабул қилинганини биламиз. Амалда-чи?! Бу қарорлар моддий-молиявий ва техникавий имкониятларни ҳисобга олмай, одатда ғарб тилларини—инглиз, олмон, фаранг ва испан тилларини ўрганишга тегишли эди. Жумҳуриятимизда шарқ тилларини ўрганишга асосан тўсқинлик қилинди. Фақат бармоқ билан санарли мактабларда араб, ҳинд, хитой тилларини ўргатишга рухсат берилди. Ҳозир ҳам аҳвол бу соҳада яхши эмас: ўрта умумтаълим мактабларининг 3457-тасида инглиз тили, 2886 тасида олмон тили, 1515 тасида фаранг тили, 68-тасида испан тили, 12 тасида форс тили, 10 тасида араб тили, ҳинд, урду ва хитой тиллари ўқитилмоқда. Очиқ айтиш мумкинки, хорижий тилларни назар-писанд қилмайдиганлар, фақат илмий даража олиш учун «ўлганининг куни»дан уни ўрганишга мажбур бўлган кишилар жуда кўп эди. Бундайлар ҳозир ҳам топилади. Шу сабабли бўлса керак, олимларимиз орасида хорижий тилларни билувчилар жуда кам. Улар хорижданги анжуманларга ёки маъруза ўқишга борсалар, ёнларида таржимон олиб юришга мажбурдирлар. Мен ўзбек олими, мутахассиси, шоири ва ишчиси бошида дўпписи билан ўзга юртларда чет тилида сўзлашишини жуда истайман.

Кўринib турибдики, ҳаққоний мустақил давлат бўлиш учун олдимизда кўпгина сиёсий ва иқтисодий муаммолар турибди. Жумҳуриятимизнинг хорижий давлатлар билан дўстона алоқалари барча соҳалар бўйича ривожланиб бормоқда. Шу жиҳатдан жумҳуриятимиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ўқувчи-ёшлар, мутахассисларга чет тилини кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлари тарихий аҳамиятга молик. Бу қарор аввалгиларидан ўз мақсади, мазмуни билан тубдан фарқ қилади. Агар аввалларида чет тилини ўрганиш учун қуруқ «фалон қилинсин»дан ўтмаган қарорлар қабул қилинган бўлса, эндиликда бу қарорда аҳолига чет тилини ўргатиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захирасидан икки миллион сўм, шунингдек, валюта маблағлари ва бинолар ажратиш аниқ кўрсатиб қўйилган. Тил ўрганиш марказларига ўтказилувчи маблағлар, турли комитет ҳамда ташкилот ва корхоналар ажратган молиявий ёрдам ҳам белгилаб қўйилган.

Ниҳоят, жумҳуриятимизда чинакамига чет тилини ўрганиш авж олмоқда. Яқинда Тошкент давлат дорилфунунида Тиллар куллиёти ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси турли табиий ва ижтимоий куллиётлардаги талабаларни чет тилига чуқур ўргатишдан иборат. Чет тилидан ва ўз мутахассислигидан яхши ўқийдиган талабалар ичида танлов ўтказиб, уларнинг баъзиларини хорижий ўқув юртларида ўқишга тавсия этилади. Ҳозирги шароитда табиий ва ижтимоий куллиётлардаги талабаларга чет тили ўқитиш учун 240 ўқув соати ажратилган. Бу жуда кам. Уни 450—500 соатга етказиш зарур бўлади.

Бундан ташқари чет тили дарсларини 1-4-курсларда олиб бориш ва диплом ишларини ҳам чет тилида ҳимоя қилиш мўлжалланмоқда. Чет тилида номзодлик имтиҳонлари учун атиги 140 соат кифоя қилмайди. Уни тўрт юз соатга етказиш лозим. Чет тили ўқитувчиларининг сифатли дарс олиб боришлари учун шароитни ҳисобга олиб, уларга бир ўқув йилида 650-700 соат дарс бериш етарли. Чунки ҳозирги даврда олий ўқув юртларидаги чет тили ўқитувчиларининг моддий шароити ўрта мактабдагилардан анча паст. Шу сабабли ўқитиш сифати ҳам яхши эмас. Чет тили ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам аҳамият бериш лозим. Ҳозирча чет тили ўқитувчилари орасида жумҳуриятимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлганлар деярли йўқ. Уларни кўпроқ хорижда ўқишлари ва ўз малакаларини оширишга жиддий эътибор бериш лозим. Олий ва ўрта билимгоҳлардаги чет тили синфларини техник воситалар, электрон-ҳисоблаш машиналари, видео ва кинофильмлар билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур. Жумҳуриятимизда чет тилини ўрганаётган кенг аҳоли учун ҳар бир шаҳар ва районда чет тилидаги видео ва кинофильмлар кўрсатувчи жойларни ажратиш фойдали бўларди.

Умуман, чет тилига ўргатиш билан боғлиқ барча масалаларни кенг муҳокама қилиш, шу соҳадаги келгуси режаларимизнинг истиқболини ўйлаб жумҳуриятимиз миқёсида катта амалий анжуман ўтказиш ва бу масалани назорат қилиб турувчи чет тили муаллимларининг уюшмасини тузиш зарур.

Дилимда анчадан бери тугун бўлиб турган баъзи гапларни очиқ айтишга журъат этдим. Чунки умримнинг ўттиз йилини ўзбек ва чет тилларини ўрганишга, ҳамда тилшунослик фанидан сабоқ беришга бағишладим. Зотан, чет тилларини ўрганиш бизга ота-боболаримиздан мерос қолган. Ҳозирги саъйи-ҳаракатларимиз уларнинг руҳини шод этсин.

Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,

Тошкент давлат дорилфунуни тиллар куллиётининг декани, филология фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон олтини

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи ва учинчи бетларда).

ҚАЛМОҚҚИР ХАЗИНАСИ

...Комбинат дарвозасидан чиқаверишда Виталий Николаевич соатига қаради. «Сизлар учун 25 дақиқа ажратмоқчи эканлигимни айтгандим, қарангки роппа-роса икки соат бирга бўлибмиз. Энди қолган ишлар вақтини қисқартиришимга тўғри келади, — у шундай деяркан таклиф этди. — Олтин ишлаб чиқаришнинг ҳамма жиҳатларини кўришингиз учун ўринбосарим Николай Федореев билан кон бўлими инженери Владимир Личагинни сизларга ҳамроҳ қиламан. Қалмоққир руда карьерини кўрсатишади. Менга эса энди рухсат берасизлар...

Руда конига бориш учун Олмалиқ шаҳри кесиб ўтилади. Ўзбекистондаги энг замонавий шаҳар бунёдга келганига ўтган йили қирқ йил тўлди. Шаҳар кон-металлургия комбинати билан бир пайтда вужудга келган. Улар эгизаклардир. Шаҳар ҳам, комбинат ҳам йил сайин ўсиб-ривожланиб боряпти. Уларнинг келажаги порлоқ.

Қалмоққир карьери... Тепадан қузатганда у жуда ҳам улкан дошқозонни эслатади. Қозон туби ва деворлари ёқалаб ўтган йўлларда қудратли «БелАЗ», «КамАЗ» автомашиналари ва экскаваторлар худди чумолидек ўрмалаб юришибди. Тоғ бағридан олинаётган руда пешма-пеш машиналарга ва ҳар бири 12 тонналик махсус вагонларга ортилиб маъдан тегирмонига жўнатилмоқда.

— Бу ердан ҳар йили тахминан ўнлаб миллион тонна руда ташилади, — деди кон-руда бошқармасининг бошлиғи Альберт Матицин. — Техника эса, худога шукур, етарли миқдорда. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозир мана шу техникага эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Бу масалада бизга ёрдам керак.

Кадрлар масаласига келсак, улар ҳозир етарли. Бир вақтлар конда қўнимсизлик кучайиб кетганди. Айниқса кооператив-ширкатлар пайдо бўлгач, кўп ишчилар бизни тарк этишди. Уларга қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини, эрта-индин яхши кунлар келишини тушунтирдик. Дарҳақиқат, кўп ўтмай ишларимиз юришиб, ишчиларнинг маоши ошди, иш шароити, маданий-маиший имкониятлар яхшиланди. Ҳар бир ишчи ойига камида бир ярим минг сўм маош оладиган бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иш ҳақи яна ошади. Буни кўриб бир пайтлар конни ташлаб кетган ишчилар иш сўраб қайтиб келишяпти. Аммо биз уларни танлаб, энг салоҳиятлисини қайта оляпмиз.

...Карьернинг туб-тубида сирена овози янгради. Экскаватор ва автомашиналар ўзини бир чеккага олишди. Тубанликда техникадан ҳоли бир чеккадаги тепа устида тутун, чангтўзон кўтарилиб, кетма-кет гумбурлаб, портлаш садоси атрофга ёйилди.

— Эрали Қодиров билан Солиҳ Қуроловнинг иши бу. Барака топқурлар жуда ҳам тоза ишлашади, — тушунтирди Владимир Личагин.

Карьер туби бир неча зонага бўлинган. Тоғ жинслари портлатилмаса рудага экскаваторнинг тиши ўтмайди. Портлатилган бўлакдаги маъданлар автомашина ва вагонларга ортиб жўнатилгунча Солиҳ билан Эрали бошқа зонани бурғулаб, «қудуқ» очиб, уни портлатгичлар билан тўлдиришади. Иш шу тарзда давом этаверади. Кейинроқ смена ниҳоясида руда дошқозонида ишлаётган ишчилар билан ҳам танишиб олдик. Бошқа жойларда бўлгани сингари бу ерда ҳам ҳалол меҳнати билан жамоага таниш бўлиб қолган илғорлар, ўнлаб ёшларга иш ўргатган устоз ва мураббийлар ҳам бор. Кўп йиллардан бери шу ерда ишлаётган — экскаваторчи ота-бола Александр ва Валерий Булигин, Михаил Наришчев, Абдуҳолиқ Бердиев, шофёрлар — Михаил Соколов, Владимир Яньшинлар ана шулар жумласидан. Михаил Наришчев ўз ихтиёри билан мураббий уста бўлиб қолди. Билим юртини битириб келган ёш экскаваторчилар дастлаб ана шу машҳур ҳамкасблари қўлида синовдан ўтгачгина бошқа экскаваторларда ишлаш ҳуқуқини оладилар.

Карьерда режалар бажарилмайдиган ой ёки кунлар йўқ. Иш яхши созланган соат милларидек бир дақиқа ҳам тўхтамай давом этади. Кон бошқармаси эса ўз навбатида ишчиларга барча зарур шароитларни яратиб беряпти. Уй-жой учун навбатда турганлар сони ўтган йили тенг ярмига қисқарди. Болалар боғчаси ва яслиси муаммоси аллақачон ҳал этилган. Бу ерда навбат кутувчилар умуман йўқ. Бошқа ижтимоий, маданий-маиший масалалар ҳам имконият даражасида ҳал этилмоқда.

...Карьер тепасида ишнинг боришини кузатарканмиз суҳбат мавзуси беихтиёр дунё, ҳамдўстликдаги воқеаларга бурилди.

— Мени бир нарса ўйлантиради, — деди Абдуҳолиқ Бердиев, чанг тўзон қоплаб олган карьердан кўзини узмай. — Яқиндагина Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилганлигини олқишлаб кутиб олгандик. Энди эса мана шу ҳамдўстлик аъзолари собиқ Иттифоқдан қолган меросни бўлишолмай бир-бирларига хўмрайишяпти. Россия ўзини Иттифоқнинг бутун мулкига, Украина эса Қора денгиз ва унинг Флотига меъросхўр деб эълон қилди. Бошқа республикалар-чи? Уларнинг ҳаққи нима бўлади? Ахир собиқ Иттифоқда йиллар давомида барпо бўлган нимаики бўлса, барчаси сиз, биз, ҳаммамизнинг ризқимизни қийиб вужудга келтирилган-ку? Ўша ҳарбий кемалар ҳам, катта-катта қурилишлар ҳам, қўйингчи ҳатто Москвадаги ҳазинада сақланаётган олтин ёмбилар ҳам Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ҳисобига яратилганлигини нега энди унутиб қўйишяпти? Биргина Ўзбекистоннинг ўзи йиллар давомида Иттифоқда ишлаб чиқарилган жами олтиннинг тўртдан бир қисмини марказга бериб келди-я. Мис, кумуш, қўрғошин, рух ва бошқа ноёб маъданларни-ку, айтмаяпман. Мана шуларни Иттифоқ меъросини талашаётганлар эсига тушириб қўйиш пайти келмадимикан?..

...Қалмоққир юксакликларидан Олмалиқ шаҳри ҳам, мана шу шаҳарни бунёд этган конметаллургия комбинатининг бир-бирига қўшилиб кетган улкан-улкан цехлари ҳам кафтдагидек яққол кўриниб турибди. Мана шу карьердан қазиб олинган руда комбинатнинг бир эшигидан вагонларда кириб бориб, бошқа дарвозасидан мис, қўрғошин, рух бўлакларига, олтин ва кумуш қуймаларига айланиб чиқиб боряпти. Шу ерда беихтиёр ота-боболардан қолган қадимги бир зарбулмасал ҳикоя ёдга келади. Халқ бу бойликлар куч-қудратини қуйидагича рамз этган:

Эмишки, қадим замонларда юрт оғаларидан бири мамлакатдаги халойиқни ҳашарга чорлаб, шаҳар атрофини баланд пахса деворлар билан ўратмоқчи бўлибди. Иш қизигандан қизиб кетибди. Юрт оғаси бир чеккада қурилишни кузатиб турган экан, жуссаси бошқаларникидан фарқ қилмайдиган, оддийгина бир йигитнинг девсифат ишини кўриб хуши бошидан учибди. Йигит каттакон белкурак билан беш пахса тепасига лойни сопқондек отиб турганмиш.

— Ўша йигитни чақиринглар, — дебди юрт оғаси. Йигит келгач ундан шунча куч-қудрати манбаини суриштирибди.

— Менинг кучим мана бунда, — дебди йигит ростига кўчиб ва белбоғини ечиб, унинг қатларига ўралган бир неча тилло ёмбиларни кўсатибди. — Менинг билагимга куч, белимга қувват бераётган мана шу олтинлардир.

Йигит шундай деб белбоғини қайта боғлабдида, юмушига тутиниб, беш-олти киши ҳам отолмайдиган пахса лойни ўйинчоқдек отаверибди...

Биз карьердан қайтиб, Виталий Николаевич Сигедин билан хайрлашар эканмиз, унга мана шу зарбулмасални ҳикоя қилиб бердик. У одати бўйича бироз ўйланиб турдида:

— Халқ билиб айтади, билиб айтганда ҳам топиб айтади, — деди. — Ҳа, олтин қадим замонлардан бери куч-қудрат рамзи бўлиб келган. Ўзбекистонимиз ҳам энди ўз олтинига эга бўлди. Не-не машаққатлар билан қазиб олинаётган олтин энди ҳур республика ҳазинасини бойитаяпти.

Ҳа, ҳур, эркин Ўзбекистонимиз эндиликда ўзи ишлаб чиқараётган барча бойликларга ўзи эгалик қилади. Халқ билиб айтганидек, бу бойликлар, бу олтину жавоҳирлар жонажон, ҳур юртимизнинг кўзига нур, белига қувват, билагига куч, юрагига мадор бўлади. У мустақил давлатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг махсус мухбирлари.

Суратларни Содиқ МАҲКАМОВ олган.



СУРАТЛАРДА: кон-металлургия комбинати бош директорининг ўринбосари Н. Г. Федореев ва кон бўлимининг инженери В. В. Личагин. Пастдаги суратда эса Қалмоққир руда кони акс эттирилган.

• *Муштарий мактубидан*

ТАҚДИРИМИЗ БИР БЎЛГАЧ

Олий Кенгашнинг кейинги сессияси мажлисларини бошидан охиригача кузатдим. Зеро, унда ҳар биримизнинг кундалик турмушимизга бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим масалалар муҳокама этилди. Нарх-наволарнинг ошиши шундоқ ҳам бечораҳол оилалар турмуш даражасини янада пасайтириб юбориши аниқ. Беш-ўн нафардан ёш болалари бор оилаларнинг ҳоли нима кечади энди? Ўзимдан қиёс. Етти нафар бири-биридан ёш фарзандларим бор. Каттаси эндигина тўққизинчи синфга ўтди. Хотиним уй бекаси. Оилада ёлғиз ўзим ишлайман. Бир қоп ун 100 сўм, бир кило гўшт 30—40 сўмга чиқди. Оладиган маошим нимага ҳам етарди. Бу ўй менга ўхшаш минглаб кишиларнинг ҳаёлини кемираётган бўлса керак.

Аммо илож қанча? Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, биз ўзгалар юритган пала-партиш, узоқни кўзламайдиган сиёсатнинг ҳам қурбони бўлаяпмиз. Олис Москвада кеча ошган нарх-навонинг аксадоси бугун Фарғонада сезилади. Йиллар давомида бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган республикалар иқтисодиётларининг ўзаро таъсир кучи ҳали жуда баланд. Олий Кенгаш нархлардаги ўзгаришлар аҳолининг кам таъминланган қисмини янада ночор аҳволга солиб қўймаслиги учун кўрган чора-тадбирлари бизга таскин беради. Мавжуд тангликдан тезроқ чиқиш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишлари зарурлиги ҳақида сессия минбаридан қилинган даъватга тўла қўшиламан. Президентимизнинг бу борадаги саъйи ҳаракатлари, чақириғи қўшни қардош давлатларда ҳайрихоҳлик билан кутиб олинади, деб ишонаман. Чунки биз минг йиллар давомида бир дарёдан сув ичдик. Бир далада деҳқончилик қилиб, бир яйловда чорва боққан халқлармиз. Шу оғир кунларда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишгина бозор иқтисодиётининг залварли сиқувларига бардош бериб, ойдин йўлга чиқиб олишимизга ёрдам беради. Зеро, тарихимиз бир бўлгач, тақдиримиз ҳам бирдир.

Э. ОДИЛОВ,
Фарғона вилояти «Олтин водий» рўзномасининг ҳуқуқшунос маслаҳатчиси.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ДАВЛАТ, КООПЕРАТИВ, ХУСУСИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси ва унинг Ўзбекистоннинг барча вилоят шаҳарларида, шунингдек Навоий шаҳрида жойлашган

«ТОШКЕНТЭКСПЕРТИЗА» ВА «ВНЕШСЕРВИС» ФИРМАЛАРИ

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

— молларнинг қаердан олинганлиги ва сифати тўғрисидаги гувоҳномаларни, шу молларга оид ҳисоб қоғозлари ва молларга қўшиб жўнатиладиган ҳужжатлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

— чегарадан олиб ўтиладиган моллар учун баённома беради;

— форс-мажор ҳолатидаги ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалардаги шартларга мувофиқ равишда далолат беради.

— чет элдан келтирилган ва чет элга чиқариладиган моллар хом ашё ва асбоб-ускуналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда унинг сифатини назорат қилиш ва миқдорини текшириш ҳамда уларни экспертизадан ўтказишнинг турли хиллари билан боғлиқ топшириқларни бажаради;

— молларни лаборатория текширувидан ўтказадилар.

Молларни экспертизадан ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришга доир жами ишларни Палатадаги кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган 350 дан ортиқ малакали мутахассислар бажарадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси жамоат ташкилотининг экспертлари томонидан тузилган экспертиза актигина таъминотчиларнинг фирмалари учун исботловчи кучга эга бўлиб, молни қабул қилиб олувчиларга ўз вақтида етказиб бермаганлик, молларнинг тўлиқ эмаслиги, нуқсонлар ва битим талабларидаги бошқа номувофиқликлар билан боғлиқ зиён ўрнининг қопланишига кафолат беради.

Манзилимиз: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин шоҳкўчаси, 16 «а» уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 39-11-89, 39-48-07, 33-02-67.

ҲАММАСИ—ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИ УЧУН!

«ЎЗАГРОСТРОЙ» ТАЖРИБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИХТИСОСЛАШГАН КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ ҚОШИДАГИ

КИЧИК КОРХОНАЛАР БИРЛАШМАСИ

ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАРГА ТИЖОРАТ НАРХЛАРИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Пўлат радиаторлар — қуввати 0,72 ва 1,44 КВТ.

Иссиқлик тармоқлари учун гидроизоляцияланган иссиқлик қувурлари — диаметри 0,57 дан 114 гача.

Барча асбоб-ускуналари ва маиший хоналари бўлган тўлиқ заводда тайёрланган блокли қозонхоналар — қуввати 4 МВТ дан 200 МВТ гача.

Материаллар буюртмачи томонидан етказиб берилган тақдирда нархлар анча арзонлашади.

Бизнинг манзил: 700154, Тошкент шаҳри, Жанубий саноат зонаси.
Телефон: 58-58-32.
Факс: 58-27-43.

ФАЙЗ Лтд.

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ

ЭРТАКЛАРДАГИ СИНГАРИ ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА СИФАТ КАФОЛАТИ БИЛАН.

Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.

Файз ЛТД фирмаси —бу:

ҲАР ҚАНДАЙ ГРАФИК ТАСВИРЛИ, ОБРЎЛИ КЎРИНИШЛИ МУҲРЛАР, ШТАМПЛАР, ОТТИСКЛАР, ФАКСИМИЛЕ, СЕРҲАШАМ, ЗАРҲАЛЛАНГАН ТАШРИФНОМАЛАР ВА ҲОКАЗОЛАР ДЕМАКДИР.

Мулоқот телефони: соат 9 дан 17 гача 77-56-17.

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАР

ҚАРДОШЛИК РАМЗИ

Жалолқудуқ районининг Абдуллабий қишлоғида ўзбеклар билан қирғизлар дўстлигига бағишланган ўзига хос маросим бўлди. Шу қишлоқдаги Ильич номли жамоа хўжалигининг номи ўзгартирилиб, унга автомобиль ҳалокатида вафот этган Қирғизистон Республикасининг бош вазири Насирдин Исонов номи берилди. Маросимга қирғизлар яшайдиган қўшни қишлоқлардан: «Дўстлик», «Ойим», Навоий номли жамоа хўжаликларидан вакиллар келишди, қардош Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Медет Шеримқулов, марҳумнинг рафиқаси Бузейнаб Қўштаева ва бошқа қариндош-уруғлари ташриф буюрдилар.

— Мен қирғиз элининг содиқ фарзанди Насирдин Исоновнинг хотирасини ўзбеклар юртида абадийлаштиришга қарор қилган бирадарларимизга, шу қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизга таъзим қиламан, — дейди М. Шеримқулов, — буни қардошлигимиз рамзи, деб биламан. Дўстим Исоновнинг ҳалокати бизни қаттиқ қайғуга солди. Бундан айниқса, мен қаттиқ изтироб чекдим. Чунки, у меннинг яқин дўстим, сафдошим, қолаверса қудам эди. Қайғумизга шерик бўлганларингиз учун чўнг раҳмат!

Насирдин 48 ёшида бевақт ҳалок бўлди. У Ўш вилоятининг Новқат районида оддий меҳнаткаш оиласида туғилиб, ўсганди. Гарчи у ёш бўлса ҳам кўпни кўрган инсон эди. Оддий ишчиликдан етук қурувчи муҳандис, ишбилармон раҳбар даражасига кўтарилганди. У 1991 йилнинг ёзида Бутуниттифоқ инженерлик академиясининг академиклигига сайланганди.

Н. Исонов Ўш вилоят комсомол қўмитасига бошчилик қилган даврда Ўш ва Андижон вилоятлари ёшларининг ўзаро дўстлик алоқаларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшди. У ўзбек тилини яхши биларди.

Медет Шеримқулов жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ирисбой Эрматовга Насирдин Исоновнинг мўйқаламда чизилган сиймосуратини ҳадя этди. Сўнг халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси Қ. Холмирзаевга қараб деди:

— Ҳурматли Қаюм Холмирзаевич, сиз энди Ўш элининг отаси бўлдингиз. Шунга кўра, сарпомизни қабул этинг.

Мартабали меҳмон йиғилганларнинг қарсаклари остида Қаюм Холмирзаевга оқ қалпоқ ва духоба чакмон кийдирди.

— Азиз меҳмонлар, — деди Қ. Холмирзаев, —биз Насирдин Исоновни қирғиз ва ўзбек халқлари дўстлигининг ажойиб тарғиботчиси сифатида яхши танирдик. У Норин ГЭС қурилишида ишлаб, Ўрта Осиё энергетикаси ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бу қишлоқда Абдуллабий ота, Нурмат Тўхтасинов, Абдували Медатов каби қирғиз халқининг асл фарзандлари яшаган. Исоновнинг номи ана шу машҳур ва марҳум кишилар қаторида халқимиз дилида абадий яшайди.

— Ўш Андижонсиз, Андижон Ўшсиз яшай олмайди. Бизнинг томиримиз, савдо сотғимиз, чорва-яйловимиз битта, — деди Халқ депутатлари Ўш вилоят Кенгашининг раиси Ботирали Сиддиқов. У қирғиз элининг фарзанди руҳига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун чуқур миннатдорчилик билдирди.

Хотира-маърака охирида Насирдин Исонов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ирисбой Эрматов Қирғизистондан келган ҳурматли меҳмонларга сарполар кийдирди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ

МУСТАҚИЛ ЧЕМПИОНАТ

● Бу йил мустақил Ўзбекистон Республикаси футбол бўйича ўзининг миллий чемпионатини ўтказадиган бўлди.

Маълумки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионатини қандай ташкил этилиши, жами 22 команданинг икки гуруҳга бўлиниб, икки даврали ўйинларда иштирок этиши ва совринли ўйинлар учун курашувчи кучли ўнлик ҳақида хабар берган эдик. Қизиғи шундаки, бугунги шароитда ана шу чемпионатда омади юришмаган жамоа ўрнини у қайси республикага тегишли экани ҳисобга олинади. Чунончи, кутилмаганда «Навбаҳор» шундай аҳволга тушса, унинг ўрнини Ўзбекистон чемпионати ғолиби бўлган жамоа эгаллаши мумкин. Ўзбекистон чемпионати эса уч гуруҳда, яъни олий, биринчи ва иккинчи лигаларда ташкил этиладиган бўлиб турибди. Хусусан олий лигага ҳозирча қуйидаги жамоалар киритилди: «Нурафшон», «Автомобилчи», «Сўғдиёна», «Косонсойчи», «Сурхон», «Трактор», «Умид», «Пахтакор-2», «Нефтьяник-2», «Навбаҳор-2», «Чирчиқ», «Кимёгар», «Орол», «Наврўз», «Зарафшон», «Мароқанд». Биринчи лиганинг 13, иккинчи лиганинг 18 — 20 жамоадан таркиб топиши кўзда тутилмоқда.

ХОТИРА СОВРИНИ

● Санкт-Петербург шаҳрида таниқли футболчи В. Гранаткин хотира-совринни учун халқаро мусобақа бошланди.

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган анъанавий бу мусобақада, ўзбекистонлик футболчилардан Эркин Назаров, Андрей Яравой, Валерий Кечиновлар ҳам иштирок этишмоқда. Футболчиларимиз қатнашаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иккинчи жамоаси дастлабки учрашувини Финландия футболчилари билан ўтказиб, ҳисобни дуранг қилди. МДХнинг биринчи жамоаси билан учрашувда эса 3:0 ҳисобида имконият бой берилди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: спорт метрологияси ва биомеханика (педагогика фанлари номзоди), соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва мактабгача жисмоний тарбия (педагогика фанлари номзоди), гигиена ва биокимё (профессор, фан доктори).

доцентлар: тренерлик факультетида енгил атлетика, сиёсий иқтисод (ўзбек тилида),

ўқитувчилар: немис тили.

Танлов муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700052, Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 2-уй, расмийлаштириш бўлими. Телефон: 68-08-28.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент давлат аграр дорилфунуни ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти бухгалтерия ҳисоби ва молия кафедрасининг доценти

Зиннатилла Зикриллаевич ЛУТФУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Санъатшунослик илмгоҳи жамоаси санъатшунослик номзоди, М. Мирзамуҳамедовага умр йўлдоши

Муҳаммаджон Мирзаҳмедович МИРЗАМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт Музейи жамоаси илмий котиба Д. Расуловага турмуш ўртоғи

Ғайрат РАФИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 13.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди— 21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.